

## ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖАМИЯТГА ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ИЖТИМОЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Абдувалиев Ф. Н.  
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### Резюме:

Муаллиф мақолада мамлакатимиз шароитида кечаётган таълим тизими, хусусан халқ таълими соҳасидаги инновацион мониторинг муаммоларини таҳлил этар экан, унда юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий кайфияти ва қиёфасини қайта трансформациялашувига олиб келувчи ижтимоий таснифларга эътиборни қаратади. Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий-маънавий жараёнлардаги иштирокини тадқиқ этилиши, уни ўқувчиларнинг руҳиятида қадрият мўлжалларини белгилаш, танлаш ва йўналтиришда содир бўладиган инсон омили каби ижтимоий муносабатларга сезиларли таъсир ўтказади. Мактаб таълими ёки юқори синф ўқувчиларининг жамиятга ижтимоийлашувига даврий (циркуляция) аҳамият касб этиб, унинг вужудга келиш мезонлари, ижтимоий сабаблари илмий таснифланган. Муаммонинг кўлами йириклашиб, оммавийлашиб боргани сари кенг илмий жамоатчиликнинг мактаб таълимига оид мунозарали бахс-мунозаралар илмий мунозараларда асосий мавзуга айланди. Муаллиф томонидан бугунги давримизнинг энг долзарб мавзуси бўлган ёшлар турмуш тарзи ва унда мактаб таълими тизимининг илмий сифатини баҳолаш социолог нуктаи назаридан тизимли таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** ўқувчи психологияси, ижтимоий мониторинг, мўлжал қадриятлари, ижтимоий қиёфа, ижтимоий кайфият, инновация, таълим сифати, ёшлар менталитети, ижтимоий стереотиплар.

### Introduction

#### Кириш

Жамиятнинг тараққиёти ва ривожига таълим тизими, ҳамда у билан боғлиқ ўзаро муносабатлар тараққиётини белгиловчи жараёнларнинг ижтимоий-маданий жиҳатларини белгилаб бериш мураккаб жараён сифатида эътироф этилади. XXI асрнинг биринчи чорагида таълим тизимидаги анъанавийлик билан замонавийликнинг уйғунлашуви аста-секинлик билан ўз аҳамиятини йўқотиб, рақамли технологиялар, хусусан сунъий интеллект ёрдамида ижтимоий-маънавий қиёфани белгиловчи инфратузилманинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Дунёнинг доимий глобаллашув таъсирига тушиши ер сайёрасида илдам қадамлар билан жадаллашиб кетган таълим интеграцияси жараёнларидаги маданий, сиёсий, диний ва этномиллий чегаралардаги тўсиқларни секин-асталик билан олиб ташламоқда. Таълим сифати жараёнларида кўптиллик, ИТ технологияларни мукамал ўзлаштириш ва инновацияларнинг илғор ютуқларини қўллаш билан биргаликда миграция, бандлик, оилавий муҳит, болалар ҳуқуқи, инклюзив таълим каби омилар билан ҳамоҳанг бўлган

интеграциялашувнинг кўп қатламли ва серкирра тизими сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги замонавий таълим тизими жараёнларида ёшлар турмуш тарзи ва кундалик ҳаётини аниқ илмий манбалар асосида тадқиқ этиш, уларнинг истиқбол мўлжал қадриятларини белгилашдаги ижтимоий маданий жиҳатларнинг таҳлилини беришда социологиянинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги замонда юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги дунёни интеграциялашув ва дезинтеграциялашув жараёнларининг ўзаро кураши сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бир томондан, кенг ва хилма-хил социал алоқаларнинг (хўжалик, сиёсий, маданий ва ҳ.к. соҳаларда) ривожланиши ва интенсивлашиши, янги фаолият турлари ва коммуникацияларнинг юзага келиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Инсоният дунёси эса бир бутунлик ва бирлик хусусиятларига эга бўлиб бормоқда. Универсал инсоний эҳтиёжлар ва унда ҳаёт кечиришни таъминлаш муаммолари, инсонлар тарихий тақдири ва хавфсизлигининг умумийлигини англаб етиш учун тобора имкониятларни орттирмоқда. Бу интеграцион ёки марказга интилувчи жараён бўлиб, унинг кечишида замонавий инсон турмуш тарзи дунёси глобал тус олмақда. Иккинчи томондан эса, миллий ва индивидуал ўз-ўзини англаш, миллатларнинг озод бўлиш жараёнларининг ўсиб бориши таъсирида алоҳида социумларнинг майдалашиши ва бўлиниб кетиши ҳамда ижтимоий ҳаёт субъектларининг ажралиши кузатилмоқда<sup>1</sup>. Бу эса дунёвий жараёнларнинг дезинтеграцион, марказдан қочувчи таркибий қисмига айланди. Инсоният дунёсида у социал танглик ва тўқнашувларнинг турли кўринишларида намоён бўладиган бўлди.

### **Асосий қисм**

Тарихий кечмишда биз томонимиздан таъкидланаётган ҳодисаларни ва айтиб ўтилган ҳар бир жараённинг чегараларини илғаш мумкин. Инсоният ҳаёти интеграцион, марказга интилувчи жараёнлар билан ҳам, дезинтеграцион, марказдан қочувчи жараёнлар билан ҳам бирдек боғлиқ. Инсоният эса бу жараёнларни ростлаб туришга эҳтиёж сезади ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, унга амал қилишга унга амал қилишга мажбур. Бу жараёнларнинг сабаблари ижтимоий ҳаётда қисм ва бутуннинг муттасил қарама-қаршилиқда бўлиши, турли хилдаги субъективликларнинг ўз бутуни билан ўзаро алоқада бўлишидир. У ёки бу социумнинг интеграциялашуви ёки дезинтеграциялашуви моҳият эътибори билан умуминсоний тус касб этади, бу жараёнларнинг ишлаб чиқилиши ва қайта ишлаб чиқилиши бутунжаҳон тарихининг ривожини ҳамда воқеликнинг трансформациясини белгилайди<sup>2</sup>.

Бугунги инсоният дунёсининг ҳолати ҳамда унинг ўз бутунлиги сари бўладиган объектив-тарихий ҳаракатга жавобан дезинтеграция жараёнларининг кучлари глобал ҳалокатлар келтириши ҳамда унинг ҳаётини буткул тугатиб юбориш хавфини солади. Бу жараёнларнинг моҳияти ва реал ҳавфини англаб етиш ижтимоий ҳаёт

---

<sup>1</sup> Баранов Е.Г. Нациология – источник конфликтов. // Общественные науки и современность. 1994, №5. С. 143

<sup>2</sup> Иванов Н. Глобализация и проблемы оптимальной стратегии развития. //

иштирокчиларининг кўпини дезинтеграция оқибатларини бартараф этишда ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга даъват этади.

Инсоният дунёсининг иштирокчилари ва яратувчилари – субъектлардир. Улар ўз бутунлигига нисбатан субъективликни ишга солади. Бу кишиларнинг табиатга ва ўзларига ўхшаш субъектларга турли кўринишларда шаклланган усул ва воситалар билан таъсир этишида намоён бўлади. Субъективликнинг предметли шакли маданиятни ҳосил қилади<sup>3</sup>. Бу таърифда маданият у ёки бу кишилик ҳамжамияти учун ҳаётий зарур бўлган ўзаро муносабатларни ўзининг ҳаёт кечириш шароитида предметли шаклда “олиб ўтиш” ва “мустаҳкамлаш” тартиби ва натижасини билдиради. Ушбу предметли шакллар инсон қобилятининг ҳолатини маълум даража қайд этади ва сақлайди. У ёки бу предметли шаклларнинг, яъни, предметлашган инсон қобилятининг талабгорлиги аниқ ҳамжамият ёки индивиднинг ҳаётий манфаат ва мақсадларига боғлиқ бўлади.

Моҳият эътибори билан предметли (ёки предметлашган) шакллар идеал ҳосилалардир. Уларда нафақат аниқ инсоний хатти-ҳаракат ва натижаларни, балки ушбу хатти-ҳаракатлар ва натижалардан ажратиб олинган бошқа бирон ҳолатга “кўчиб ўтиш” амалга оширилади. Айнан мана шу хатти-ҳаракатлар ва натижаларнинг қийматларини предметли шакллар ёрдамида “мустаҳкамлаш” содир бўлади. Ўз қиймати туфайли предметли шакллар инсон онгининг ривожига иштирок этади.<sup>4</sup>

Дунё ҳамжамиятида ёшлар ва таълим сифати муаммолари кўламининг ортиб бориши билан, шахс ривожланишининг мўлжал қадриятларини аниқлаштириш ўз шакли ва мазмунига кўра ижтимоий маданий қиёфа ҳамда кайфиятни ўрганишга бўлган талабнинг хусусиятларини ҳам кескин ўзгартириб бормоқда. Муаммони ўрганиш юзасидан бир қатор илмий тадқиқот институтлари таълим жараёнлари, ёшлар ижтимоий қиёфаси ва кайфияти, мактабларда юқори синф ўқувчисининг турмуш тарзи ва унинг жисмоний-физиологик ўзгаришлар жараёнидаги ўтиш даври инқирозларини четлаб ўтиш учун кечираётган ижтимоийлашув ва ёшлар мўлжалли қадриятларига оид илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Хусусан, мактаб ўқувчиларининг билим ва кўникмаларини баҳолашда халқаро қиёсий тадқиқот марказларининг ижтимоий мониторинг орқали баҳолаши алоҳида ўрин тутди.

Мамлакатимизнинг давлат дастурларидан бири ҳисобланган “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш” концепцияси доирасида мактаб таълими масалалари ҳам илмий-амалий лойиҳалар асосида атрофлича ривожлантирилиб боришмоқда. Жумладан, унинг 3-бобида қуйидаги банд мавжуд: “Ўзбекистоннинг амалдаги таълим тизими маълумотларни ёд олишга қаратилган бўлиб, ёшларнинг ижодий ва мантиқий фикрлаши, танқидий таҳлил қилиши, мустақил фикр юритиши ва янгиликлар яратишини ривожлантиришга йўналтирилмаган. Натижада ёшлар ҳаётда ўзи мустақил қарор чиқариши, жамиятдаги тезкор ўзгаришларга мослашиши, ўз ўрнини

<sup>3</sup> Покровский Н.Е. Глобализация и конфликт //Вестник Моск. Ун-та. Сер.18. Социология и политология. 1999. №2. С. 33

<sup>4</sup> Давыдов Ю.Н. «Картина мира» и типы рациональности. //Вебер М. Избранные произведения. М., 1990. С. 408

топиши жараёнлари мураккаб кечиши ҳолатлари кузатилмоқда”.<sup>5</sup> Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади. Шу билан биргаликда, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ таълими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштириш имкониятларини яратади.

Ўзбекистон Республикасида умумтаълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш ҳамда ундаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш талаб этилмоқда. Давлат томонидан умумтаълим муассасаларига юклатилган энг муҳим вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий механизмларнинг етишмаслиги амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва мутасадди органлари томонидан умумтаълим муассасалари фаолиятини чуқур илмий таҳлил қилмаслик, асосан статистик ва жадваллар ҳамда диаграммалардан иборат бўлган маълумотларни тақдим этиш билан чегараланаётганлиги жойлардаги ҳаққоний ҳолатлар ва вазиятни аниқлашга тўсқинлик қилиб келмоқда. Давлат таълим хизматларини кўрсатиш, умумтаълим муассасаларини бошқариш, ишларни режалаштириш ва ташкил этиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси пастлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш, ушбу жараённи тезкор кузатиб бориш имконини бермаяпти. Табиийки, бу ўз навбатида давлат бошқаруви самарадорлигини ортиқча бюрократлашишига, тақдим этилаётган сарф-харажатларнинг ошишига олиб келмоқда.

XX асрнинг 60–80-йиллари оралиғида таълим тизимида янги ахборот технологияларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Натижада, унинг фаолиятида янги ташаббуслар ва ғояларнинг пайдо бўлиши ҳамда илмий тадқиқотларни самарали ташкил этишга эҳтиёжни кенг қўламда оширди. Инновацион ва техник имкониятларнинг таълим-тарбия жараёнида фаоллашуви, мавжуд анъанавий бошқарув тизимининг номукамал томонларини яққол кўзга ташланишига, ҳамда муаммолар ечимини топиш учун таълим жараёнидаги таҳлилий мониторингни амалиётда жорий этиш учун илмий-прогностик заруриятни пайдо бўлишига олиб келди. Кейинги йилларда ҳорижий тажриба имконият ва ютуқларини тизимли равишда илмий тадқиқотлар шаклида амалиётга жорий этилиши натижасида ижтимоий, хусусан социологик мониторингнинг муайян педагогик ҳодисаларни ўрганиш, тадқиқ этишга йўналтирилган давомийлик ва узлуксизлик, таълим-тарбия фаолиятини мақсадлар асосида таҳлилий кузатиб

<sup>5</sup> Қаранг: Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида // <https://lex.uz/docs/5234746>. 23-сон 18.01.2021.

боришнинг тизимли ва изчил, кундалик ўзгариб бориш динамикасини аниқлашнинг сифатли намоён этишга хос хусусиятларини белгилашга аниқликлар киритилди.

Маълумки, таълим тизимини мониторинг қилишнинг ижтимоий-тарихий шартлари мавжуд. Унда бирламчи социологик маълумотларни йиғиш, натижаларни таҳлил этиш ва илмий прогнозини шакллантириш бўйича илмий тажриба, тизимли-тартибли равишда қиёсий статистик тадқиқотларни ўтказиш, таълимни бошқаришнинг ахборий, таҳлилий, баҳоловчи, прогноз қилувчи ва йўналтирувчи функциялари орасида илмий боғлиқликни таъминлаш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай таълим соҳасидаги мониторинг самарадорлиги социологик фанлар тизимида бир қатор объектив ва субъектив омилларни пайдо қилади. Шунингдек, унинг моҳиятига эътибор қаратилса, тизимда янада кенгроқ мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган бўлади. Мутахассислар илмий тадқиқотларда социологик мониторингнинг турли функциялари ҳақида баҳс-мунозаралар юритади. Жумладан, унинг “мослашувчанлик” функцияси (А.Орлов), “диагностика” функцияси (В.Андреев, А.Белкин), интеграл ёки таққослашга оид бўлган “прагматик” функциялар (В.Попов), “тизимли таҳлилни ташкил этувчи” (Г.Емелянова, С.Силина) каби функциялари мавжуд. Таълим соҳасида социологик мониторингни қўллаш серқирра жараён бўлиб, бунда мавзунинг ўзига хослиги, ундаги фойдаланиш имкониятларининг миқёсига қараб фаолияти намоён бўлади.

Ҳар қандай тизим мустақил равишда ривожланиб борар экан, ўзини юзага келтирган ижтимоий структура ўртасидаги боғлиқлик заифлашиб, мавжуд алоқалар узоқлашиб боради. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб техник ишлаб чиқариш жадал юқорилаб борар экан, фан ва технологиялар соҳасидаги кашфиётлар кўлами ҳам беқиёс даражада ўсиб борди. Лекин, илмий-техник кадрлар тайёрлаш, уларнинг имкониятларидан фойдаланиш тизимида кутилган трансформациялашув юз бермади. Таълим тизими, айниқса умумтаълим мактабларида тайёрланган келажак авлод фаолиятида рақамли иқтисод талабларига жавоб бера оладиган муносабат амалга ошмай қолди. Истиқболли кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш, социумдаги иш берувчи талабларига мос келадиган юқори касбий маҳоратли ходимлар етиштириш, табиийки ижтимоий ҳаётнинг кечиктириб бўлмайдиган, энг долзарб вазифаси сифатида кўтариладиган бўлинди. Ушбу ижтимоий зарурат биринчи навбатда умумтаълим мактабларининг таълим сифатини баҳолаш, илмий мониторинг қилиш, сифатий имкониятларини оширишни назорат қилишнинг замонавий механизмларини яратишни тақозо этди.

Юқори синф ўқувчилари ва уларнинг ўқитувчилари “*ижтимоий кайфияти*” ва “*ижтимоий қиёфаси*”ни ўрганиш ва мактаб таълими сифатининг истиқболли ривожини илмий-амалий прогнозлар орқали шакллантириш хусусиятларини очиб беришдан иборат бўлди. Бунда, а) битирувчи синф ўқувчиларининг истиқболли кадрият мўлжалларини аниқлаш; б) ўғил ва қиз болалардаги ижтимоий-психологик кайфиятга таъсир этувчи муаммоларни ўрганиш; в) битирувчи синф ўқувчиларидаги ватанпарварлик ва садоқат туйғуларини таҳлил этиш; г) мактаб ўқувчиларининг оила аъзолари, биринчи навбатда ўз ота-оналари билан ўзаро муносабатлардаги муаммоли вазият ва тушунмовчиликларни ўрганиш; д) ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг бўш вақтлари ҳамда кундалик ҳаётдаги

фаолиятларини тадқиқ этиш; е) мактаб ислохотлари ва унинг атроф-муҳитга таъсирини кузатиш; ж) мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари турмуш тарзида диний ва дунёвий муносабатлар трансформациялашуви динамикасидаги ижтимоий жараёнларни аниқлаштириш масалаларига эътибор қаратилади.

Ҳозирги вақтда мониторинг тизими, айниқса квалитетрик ва кўп босқичли мониторинг тизими, унинг назарий асосланишига ҳам, уни амалга ошириш учун методларни, технологияларни ва амалиётни ишлаб чиқишга ҳам муҳтож.<sup>6</sup> Мониторингни объективлаштириш йўллари мактаб ўқувчиларининг билим ва кўникмаларининг сифатига, уларнинг таълим ютуқларини ўлчаш усуллари тақомиллаштириш ва стандартлаштириш жараёнида, уларнинг натижаларини шакллантириш даражасига, мониторинг натижаларини тўплаш ва таҳлил қилиш учун ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга нисбатан аниқроқ талабларни ишлаб чиқишда янги турдаги мониторинг тушунчаси аниқланиши мумкин.

Мониторинг ва баҳолаш тизимидаги ўзгаришлар туфайли бизнинг тадқиқотларимизга асос бўлган талабалар ва битирувчиларнинг таълим ютуқлари даражасининг универсал таълим ўлчовлари асосида статистик таълим маълумотларини олиш, тўплаш ва тақдим этишнинг янги шартлари пайдо бўлди. Юқори синф ўқувчиларини оммавий равишда мустақил равишда синовдан ўтказишни ўқув амалиётига жадал жорий этиш янги мониторинг турини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқаради ва уни ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради.

Юқори синф ўқувчиларининг ижтимоий-маънавий қиёфасини баҳолаш учун Тошкент шаҳрининг “Олмазор” туманидаги ўрта мактаблар ўқувчилари ўртасида “локал”, яъни маҳаллий шарт-шароитларга асосланилган социологик тадқиқотлар ўтказдик. Мазкур монографиянинг амалий-эмпирик базасини ушбу тадқиқотлар натижалари ва унинг таҳлиллари ташкил этади.



**1-расм: Айтингчи, ҳозирги кунда мактабларда “Таълим тизими” ни қандай баҳолайсиз?**

<sup>6</sup> Кравченко А. И. Социология: Хрестоматия. Для студ. вузов. М.: Издательский центр «Академия», 1997.



“Айтингчи, ҳозирги кунда мактабларда “Таълим тизими”ни қандай баҳолайсиз?” – деган саволга жами респондентларнинг 27,7 % “Жуда яхши ва сифатли таълим берилади” жавобини, фуқароларнинг 26,6 % “Қайсидир маънода яхши билим берилади” жавобини ёзадилар. Бу фоиз кўрсаткичлари ижобий мазмун касб этиб, тахминан 50-55 % ни ташкил этади. Шунингдек, респондентларнинг 9,1 % ушбу саволга “Ўртача билим берилади ва бунда мактаб жамоаси айбдор” жавобини, яна шунча (9,1 %) респондентлар “Қониқарсиз, чунки сўнги йилларда таълимга мактабларда умуман қизиқиш йўқолди” жавобини ва яна шунча (9,1 %) иштирокчилар “Ўртача билим олдим ва бунга ўзим айбдорман” жавобини ёзадилар. Тадқиқотга жалб этилган аҳолининг 3,8 % эса “Бизнинг оиламиз учун дунёвий илмларнинг қизиғи йўқ, асосийси инсоннинг иймонли-этиқодли бўлиши муҳим” жавобини белгилаган бўлсалар, 10,4 % кишилар ушбу саволнинг жавоб вариантларини очик қолдирганлар.

Ушбу савол ўта муҳим аҳамият касб этиб, сўнги икки йил ичида туман ҳокимлигининг ташаббуси ва бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида, унинг барча ҳудудидаги ўрта мактаблар, кўплаб маҳаллалар ва тўртта оилавий поликлиниканинг ишчи-ҳодимлари, шунингдек, оилаларда олиб бораётган тадқиқотларимиз асосида мактаблардаги таълим тизимида жиддий муаммоли ҳолат юзага келганлигини гувоҳи бўлинди. Ушбу муаммолар яқин йиллар ичида пайдо бўлмасдан, унинг илдизлари узоқ йиллар ичида шаклланган бўлиб, ўзида бир нечта авлоднинг салбий, бир томонламали ва ишончсизлик кайфиятидаги руҳият билан боғланиб кетган. Муаммонинг ечимини топиш учун узоқ йиллар ҳам мутасаддилар, ҳам оддий фуқаролар бири-бирини айбдор қилиш билан ўзларини “овунтириб” келган. “Сен тегмасанг – мен тегмайман” қабилида фаолият юритилар экан, таълим сифати, унинг назорати, ўқувчиларнинг давомати, диний эътиқод ва дунёқарашдаги бир томонламалик, ўқувчилардаги мавжуд ижтимоий-психологик қиёфани ўрганиш, уларнинг ҳаётий позициялари ва мотивацияси нималарда ўз аксини топиши мумкин каби саволлар узоқ йиллар давомида яширин қобиг ичида қолиб кетган.

**Нима деб ўйлайсиз, фарзандингиз ўз келажакдаги ҳаёт йўлини танлаш (касб, узлуксиз таълим ва б.) ҳақида қанчалик мустақил равишда қарор қабул қила олади?**



**2-расм: Нима деб ўйлайсиз, фарзандингиз ўз келажакдаги ҳаёт йўлини танлаш (касб, узлуксиз таълим ва б.) ҳақида қанчалик мустақил равишда қарор қабул қила олади?**

“Нима деб ўйлайсиз, фарзандингиз ўз келажакдаги ҳаёт йўлини танлаш (касб, узлуксиз таълим ва б.) ҳақида қанчалик мустақил равишда қарор қабул қила олади?” – деган саволга тадқиқотда қатнашганларнинг 40,9 % “Фарзандим ҳар томонлама эркин ва ўзи мустақил равишда қарор қабул қила олади” жавобини ва респондентларнинг 18,7 % “Ҳаёт жуда мураккаб, фарзандим бу ҳаётда ўз иродаси, қобилияти ва истеъдоди билан мақсадига эришади” жавоб вариантларини қайд этадилар. Бу жавоблар кўрсаткичи тахминан 60-62 % ни ташкил этиб, ижобийлик мазмунини акс эттиради.

Тадқиқотга жалб этилган 13,5 % респондентлар “Фарзандимни “Оллоҳ”га топширганман, унинг ўзи йўл кўрсатади ва қўллайди” жавобини, қатнашчиларнинг 12,1 % “Фарзандим мен учун ҳамма вақт “бола”, унинг тўлиқ мустақил қарор қабул қила олишига унчалик ишонмайман” жавобини, фуқароларнинг 3,3 % эса “Фарзандимиз учун биз ота-оналар қарор қабул қилиб бўлди, у албатта биз айтган йўлни танлаб, адашмайди” жавобини ёзадилар. Шунингдек, 9,6 % сўровномани тўлдиришда иштирок этганлар “жавоб беришга қийналаман” деб фикр билдиради. Умуман олганда фарзандининг келажаги ва истиқболига иккиланиб қарайдиган ва у қадар ҳам ишонмайдиган аҳоли тахминан 35-40 % ларни ташкил этади. Бу жуда ҳам катта кўрсаткич. Авваламбор ота-оналарнинг ўлари фарзандларини ҳаётда бир томонламали тушунарсиз ва мазмунсиз қийинчиликларга ўргатиб ўстиришади. Бутун глобаллашган дунёда ижтимоий ҳаётга сунъий интеллекта роботлашган олам рақобатлашиш учун кириб келаятган даврда, таъкидлаш мумкинки, ушбу ҳолат жуда ҳам ташвишланарли. Тартибсиз туғишлар, мураккаб ва сифациз демографик ўсиш бир томондан ва ўз келажagini белгилаш учун замонавий билим ҳамда кўникмаларнинг етишмаслиги, мураккаб стрессли дунёнинг даражалари кескин ошиб бораётган бугунги кунда “Ёшларнинг келажак учун мўлжални олиш мотивациялари” алоҳида ижтимоий-психологик муаммо сифатида янгича ёндашувлар билан тадқиқ этилишни талаб этади. Инсоннинг ривожланиш жараёни узлуксиз бўлиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётида иштироки нуқтаи назаридан кишилар имкониятини мунтазам равишда кенгайтирилишидан иборат. Инсон бўлиб етишиш учун фақатгина биологик ирсиятнинг ўзи кифоя эмас. Инсон фақат социализация жараёнида, яъни мулоқотда, бошқа инсонлар билан ўзаро таъсирда шахс бўлиб етишади. Инсон жамиятидан ташқарида маънавий, ижтимоий, психик ривожланиши содир бўла олмайди. Бу фикрни барчага маълум ҳоллар, яъни инсон боласи ҳайвонлар орасида ўсгани янада мустаҳкамлайди.

Социумда инсон муносабатлари ва ҳаёти ижтимоий шарт-шароитлари ўзаро таъсир хусусиятига эга. Муҳит – бу нафақат кўча, уй ва буюмлар. Муҳит – бу яна ўзига хос муносабат ва қоидалар ўзига хос муносабат ва қоидалар тизимига эга бўлган турли хил инсонлар бирлиги. Шунинг учун, бир томондан инсон унга (муҳитга) нимадир ўзиники олиб киради, маълум бир даражада унга таъсир қилади, уни ўзгартиради, лекин шу билан бирга муҳит ҳам инсонга таъсир кўрсатади, унга ўз талабларини қўяди. Муҳитнинг инсонга бўлган муносабати шу билан аниқланадики, унинг ўзини тутиши қанчалик муҳит ишончига тўғри келади. Инсоннинг ўзини тутиши кўп ҳолда жамиятда у қандай ўринни эгаллаши билан аниқланади. Инсон жамиятда бир вақтда бир қанча ўринларни



эгаллаши мумкин. Масалан, аёл киши ўқитувчи, рафика, она, қиз бўлиши мумкин. Ҳар бир тутган ўрин инсонга муайян бир талабларни қўяди ва шу билан бирга унга қандайдир ҳуқуқларни беради. Жамиятда инсоннинг ўзини тутиши муайян бир ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан тавсифланади, социологияда бу ижтимоий мақом деб аталади.

Баъзи бир мақомлар бизга туғилишимиздан берилади. Инсон мақоми жинси, миллати, туғилган жойи, исм-шарифи ва бошқа омиллардан келиб чиқади. Бундай мақомлар туғма ёки берилган деб аталади. Бошқалари эса инсоннинг ўзи мустақил равишда жамиятда шахсий ҳаракатларига кўра эришгани билан аниқланади. Масалан, педагог, врач, муҳандис мақомини инсон керакли касбий таълим юртида ўқигани ва диплом олгани учун олади. Бу ҳолда эришилган ёки олинган мақом ҳақида гап юритилади. Мақом инсоннинг жамиятда ўзини тутишини аниқлайди. Маълум бир вазиятларда шахс ўзини истаганича эмас, балки ўз мақомига кўра тутати. Атрофидаги инсонлар ундан бу вазиятларда муайян интизомни кутади, яъни инсон муайян бир ролни ўйнашга мажбур. Шунинг учун, инсон мақомидан келиб чиққан кутилаётган интизом ижтимоий рол деб аталади. Жамиятда нафақат у (жамият) билан кутилаётган мақомлар, балки ижтимоий меъёр ва қадриятларга тўғри келмайдиган мақомлар ҳам мавжуд.

Индивидни ижтимоий муҳит шарт-шароитига мослашиб кетиши жараёни ижтимоий мослашув деб аталади. Социализация жараёнида, хусусан инсоннинг ижтимоий мослашувида унинг «ҳаммадек» бўлиши объектив эҳтиёжи намоён бўлади. Бироқ шу билан параллел равишда инсонда - бошқа эҳтиёж - ўзини ўз индивидуаллигини кўрсатиш эҳтиёжи шаклланади. Инсон уни ифодалаш усул ва воситаларини қидира, намоён қила бошлайди, натижада унинг индивидуаллаштирилиши содир бўлади. Инсон индивидуаллаштирилиши шунда ифодаланадики, у ёки бу ижтимоий аҳамиятга эга шахс хислат ва хусусиятлари айнан шу инсонга мансуб шаклда намоён этади. Ижтимоий ўзини тутиш эса бошқа инсонлар интизомига ташқи томондан ўхшашига қарамай нотакрор, индивидуаллик қирраларни эгаллайди. Инсоннинг ижтимоий ривожланиши шундай қилиб икки йўналиш бўйича содир бўлади: социализация (ижтимоий маданий тажрибани эгаллаш) ва индивидуаллаштириш (мустақил бўлиш). Агар инсонни социумга киритишда социализация ва интеграция жараёнлари орасида мувозанат белгиланса, яъни инсон, бир томондан, мазкур жамиятда ўзлаштирилган меъёр ва қоидаларни ўзлаштира, бошқа томондан унга ўз аҳамиятли «умумий»ни индивидуаллигини қўша, социумда инсоннинг интеграцияси содир бўлади. Агар инсоннинг гуруҳга мослашиш жараёни содир бўлмаса, унда ўзига ишонмаслик, тортинчоқлик, ташаббуссизлик содир бўлиши мумкин, бу шахсни жиддий деформацияга олиб келиши мумкин. Агар инсон мослашув фазасидан ўта олса ва атрофдагиларга ўз индивидуал фарқларини кўрсатишни бошласа, атрофдагилар эса унинг индивидуализминини жамият меъёрларига тўғри келмайди деб ҳисобласа, унда инсонда негативлик, гумонсирашлик, агрессивлик, ўзига юқори баҳо бериш ривожланади. Инсон ривожланишига тарбия ҳам таъсир кўрсатади. Тарбия шахс социализацияси асосий омилларидан бири. Агар инсон ижтимоий меъёр ва қадриятларни ўзлаштирмаса (муҳит негатив таъсири натижасида), унда тарбиячилар ва мутахассислар ҳаракатлари ижтимоий мослашувга (ижтимоий муҳит шарт-шароитларига мослашиш)

йўналтирилган бўлиши лозим. Агар ижтимоий аҳамиятга эга хислатларнинг шаклланмаганлиги шунчалик юқори бўлса, инсонни ижтимоий муҳит шарт-шароитларига мослашишига ҳалақит берса, яъни унинг ижтимоий қарши мослашуви содир бўлса, бу ҳолда инсон билан йўқотилган ижтимоий алоқа ва муносабатларни тиклашга йўналтирилган махсус чоралар тизимини тадбиқ этишни кўзда тутадиган ижтимоий тикланиш зарур. Шундай қилиб, ривожланиш жараёнида инсон социумда ижтимоий мослашувни ўз ичига оладиган унинг социализацияси амалга оширилиши керак. Агар бу содир бўлмаса, бошқа ҳол - қарши мослашув ҳоли кузатилади, унда инсонни ижтимоий қайта тиклаш зарурияти юзага келади.

### Хулоса

Инсон учун эркин танлаш имконияти унинг ривожланиши шarti бўлиб, айти пайтда инсон жамиятининг энг олий мақсадларидан бирини ифодалайди. Қолган имкониятлардан фойдаланишга ёрдам берувчи энг асосий имкониятлар орасида учтаси ажралиб туради: узоқ ва соғлом умр кечириш имконияти, билим олиш ва турмушнинг муносиб даражасини таъминлай оладиган моддий фаровонликка эришиш имконияти. Инсоннинг ривожланиши инсонийлик жамиятининг асосий мазмуни ва мавжудлик шаклидир. Инсон фаолиятининг барча турларида тараққиётнинг замонавий босқичи нафақат инсонни ижтимоий ривожланиш марказига қўяди, балки тараққиёт натижаларини инсон тараққиёт йўлида хизмат қилишини тақозо этади.

Биз ҳар бир тадқиқотдан кейинги тадқиқотларга ўтганимиз сари тўлиқ ишонч ҳосил қилмоқдамиз: “Таълим тизими мактабларда жиддий ислохотларга эҳтиёж сезади. Айти дамда айбдор излаш ва кимнидир жазолаш ҳеч қандай самара бермайди. Ушбу муаммонинг илдизи узоқ 15-20 йилликларга тақалади. Бунда олий таълимга кириш жараёнидаги узоқ йиллар давом этган коррупция, таълим сифати ва уни молиялаштиришга бўлган эътиборсизлик, таниш-билишчилик ва маъсулиятсизлик, ҳар беш йилда ўзини оқласа-оқламаса янгича ислохотларга ўтавериш каби омилларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунинг учун тезликда кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, биринчи навбатда ота-оналар маъсулиятини қонунчилик даражасида белгилаш, керак бўлганда жавобгарликка тортиш, ўқувчилрнинг бирон соат ҳам дарс қолдирмаслиги ва биронта ҳам дарсни ўзлаштирмаслигига изн бермаслик. Ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўз устида соатлаб ишлайдиган механизмни яратиш учун кучли қонунчилик меъёрларини ишлаб чиқиш талаб этилади.